

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.FM.106.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ТУРСУНОВ МАМАСОБИР ОЧИЛДИЕВИЧ

**КРЕМНИЙ ПАНЖАРАСИДАГИ МАРГАНЕЦ ВА VI ГУРУХ
КИРИШМА АТОМЛАРИНИНГ ЎЗARO ТАЪСИРЛАШУВИ**

01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона-2022

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
physical-mathematical sciences**

Турсунов Мамасобир Очилдиевич

Кремний панжарасидаги марганец ва VI гуруҳ киришма атомларининг ўзаро таъсирлашуви3

Турсунов Мамасобир Очилдиевич

Взаимодействия атомов марганца с примесями VI группы в решетке кремния.22

Tursunov Mamasobir Ochildiyevich

Interaction of manganese atoms with group VI impurities in the silicon lattice. 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works. 45

**ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ФИЗИКА-
МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.FM.106.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

ТУРСУНОВ МАМАСОБИР ОЧИЛДИЕВИЧ

**КРЕМНИЙ ПАНЖАРАСИДАГИ МАРГАНЕЦ ВА VI ГУРУХ
КИРИШМА АТОМЛАРИНИНГ ЎЗARO ТАЪСИРЛАШУВИ**

01.04.07 – Конденсирланган ҳолат физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона-2022

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PHD/FM420 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Термиз давлат университети ва Тошкент давлат техника университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ferpi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар:	Илиев Халмурат Миджитович физика-математика фанлари доктори, профессор.
Расмий оппонентлар:	Расулов Рустам Явқачович физика-математика фанлари доктори, профессор. Хажиев Мардонбек Улугбекович физика-математика фанлари номзоди, катта илмий ходим.
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат университети

Диссертация химояси Фарғона политехника институти ҳузуридаги фалсафа доктори илмий даражасини берувчи PhD.03.27.02.2020.FM.106.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «10» 09 соат даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 150107, Ўзбекистон, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-уй, Тел.: (+99873) 241-13-03; факс: (+99873) 241-12-06; e-mail: uzferfizika@mail.ru, Фарғона политехника институти мажлислар зали.

Диссертация билан Фарғона политехника институтининг ахборот-ресурс маркази илмий услубий бўлимида танишиш мумкин. (113 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 150107, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-уй, Тел.: (+99873) 241-13-03.

Диссертация автореферати 2022 йил «29» 08 куни тарқатилди.
(2022 йил «29» 08 даги 0064 рақамли реестр баённомаси)




Н.Х.Юлдашев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, физика-
математика фанлари доктори,
профессор.


Б.З.Полнов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, физика-
математика фанлари бўйича фалсафа
доктори, доцент.


К.Э. Онарқулов
Илмий кенгаш ҳузуридаги
илмий даражалар берувчи илмий
семинар раиси, физика-математика
фанлари доктори, профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда яримўтказгичлар физикаси фаол ривожланмоқда, бунда кремний кристаллига киришма атомларини киритиш орқали, асосий материалдан фарқ қиладиган янги хусусиятларга эга бўлган материалларни олишга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда қуёш энергияси ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва таннархини янада камайтириш режа қилинган. Қуёш энергиясини ишлаб чиқариш технологияси бир мунча мураккаб ва қимматбаҳо хом ашё ва ускуналарни талаб қилади. Шунинг учун материал матричасига киритилган киришма атомлар ҳосил қилган янги элементар ячейкалари бўлган кремнийнинг истиқболли функционал имкониятларини ўрганиш, шунингдек, бундай материалларни микро ва оптоэлектроника, спинтроника ва конденсирланган ҳолатлар физикасининг бошқа соҳаларида амалий қўллаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Жаҳонда киришма атомлари билан легирланган кремнийдаги номувозанат жараёнлар шаклланишининг технологик ва термодинамик шароитларини, кремний материалида янги физик ҳодисаларни, эффектларни аниқлаш ҳамда уларнинг функционал имкониятлари асосида янги қуёш элементлари ва датчикларни яратишга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада мақсадли илмий тадқиқотларни, жумладан, бошланғич яримўтказгич материалнинг зарур электрофизик параметрлари ва киришма атомларнинг таркибини аниқлаш, киришма атомларнинг табиати билан боғлиқ бўлган легирлаш усуллари танилаш, кремний асосида янги материал олиш ҳамда уларнинг функционал имкониятларидан амалиётда кенг фойдаланиб самарадор қуёш элементларини ва датчикларни яратиш борасида илмий изланишларни олиб бориш муҳим вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамызда қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш ва самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган янги материаллар олиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва уларни амалда қўллаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «Иқтисодий электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодий” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодий энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш»¹ бўйича вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, янги типдаги бинар комплексларга эга бўлган қуёш элементларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 10 июлдаги ПҚ-4779-сон «Иқтисодий энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодий тармоқларининг ёқилғи-энергетика

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тарққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»², 2021 йил 9 апрелдаги ПҚ-5063-сон «Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»³ 2018 йил 17 июлидаги ПҚ-3855-сонли «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»⁴, 2018 йил 6 августдаги ПҚ-3899-сонли «Илмий ва инновацион фаолиятни интеграциялаш тизимининг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»⁵, 2021 йил 19 мартдаги ПҚ-5032-сонли «Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»⁶ ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияни ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг III. «Энергия, энергия ресурсларини тежаш, транспорт, машинасозлик ва асбобсозлик; замонавий электроника, микроэлектроника, фотоника, электрон асбобсозликни ривожлантириш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганганлик даражаси. Комплексларнинг шаклланишини, нанокластерлар ва уларни ўраб турган матрица материалнинг атомлари ўртасидаги ўзаро таъсирнинг ўзига хос хусусиятларини, шунингдек, материалнинг оптик ва электрофизик хусусиятларига таъсирини ўрганиш масалаларига оид илмий тадқиқотлар жаҳоннинг илғор мамлакатларидаги илмий тадқиқот марказлари ва университетларида олиб борилмоқда. Хусусан, Г.В.Людвиг, Ҳ.Ҳ.Водбурий, Р.О.Карлсон (АҚШ), Ҳ.Стумпел, Д.Сенк, Ж.С.Шварте (Германия) Ҳ.Накашима, К.Ҳашимото (Япония), В.И.Фистуль, Б.И.Болтакс, М.Г.Мильвидский, А.А.Таскин, Е.Г.Тишковский, А.Н.Лодыгин, В.И.Таланин, Р.Бюб, Р.Бургер (Россия) томонидан экспериментал тадқиқотларда диффузия ходисаси орқали кремнийга киришма атомлари киритилгандан кейин материалнинг оптик ва электрофизик хусусиятларига таъсири натижасида кремний панжарасида комплекслар ҳосил бўлиши кузатилди ва бу ходисаларни ўрганиш такомиллаштириб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиклари А.Т. Мамадалимов, М.К. Баҳодирхонов ва уларнинг шогирдлари О, S, Se, Те шунингдек, Mn атомлари ва бошқа киришма атомлар билан легирланган кремнийнинг фотоэлектрик, магнит ва оптик хусусиятларини ўрганганлар. Шу билан бирга, академик Р.А. Мўминов ва унинг шогирдлари кремнийда заряд ташувчиларни мультиэкситон генерация механизмларини ўрганганлар.

² <https://lex.uz/docs/4890081>

³ <https://lex.uz/docs/5362032>

⁴ <https://lex.uz/docs/3823583>.

⁵ <https://lex.uz/docs/3853858>.

⁶ <https://lex.uz/docs/5338558>.

Академик М.С. Саидов, профессор И.Г. Отабоев ва Н.А. Матчанов киришмаларни кремний-германий қотишмаларига паст ҳароратда диффузия қилиш технологиясини такомиллаштирганлар, шунингдек, А.З. Раҳматов оптималлаштирилган параметрларга эга катта қувватли диодларини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган янги кассетали киришма атомларни диффузия қилиш усулини таклиф қилган.

Шу билан бирга, асосий легирловчи киришма атомларнинг кремнийдаги диффузия параметрлари ва технологик шароитлари ўртасидаги боғлиқлиги ҳамда киришма атомларнинг нанокластерларини кремнийнинг электрофизик ва фотоэлектрик хусусиятларига комплекс таъсири етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг бажарилган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент давлат техника университетининг ОТ-Ф2-55 тартиб рақамли «Янги функционал имкониятларга эга наноматериалларнинг янги синфи сифатидаги киришма атомлари нанокластерларининг шаклланиши негизида ҳажмий структуралашган кремний олишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги (2017-2020 йй.) ҳамда Тошкент давлат техника университетининг ОТ-Ф2-50 тартиб рақамли «Кремний панжарасида $A^{III}B^V$ ва $A^{II}B^{VI}$ яримўтказгич бирикмаларининг элементар ячейкалари шаклланишининг илмий асосларини ишлаб чиқиш - фотоэнергетика ва фотоника учун истиқболли материаллар олишдаги янги ёндашув» (2017-2020 йй.) мавзусидаги фундаментал тадқиқот грантлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади марганец атомларини монокристалл кремний панжарасида VI гуруҳ элементлари (O, S, Se, Te) билан ўзаро таъсирини тадқиқ қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Mn ва VI гуруҳ элементларини монокристалл кремнийдаги комплексларини ҳосил қилишнинг оптимал диффузион ва технологик шароитларини аниқлаш;

Si_2MnO , Si_2MnS , Si_2MnSe ва Si_2MnTe комплексларга эга бўлган кремнийнинг электрофизик хоссаларини ўрганиш;

Si_2MnO , Si_2MnS , Si_2MnSe ва Si_2MnTe комплексларга эга бўлган кремнийнинг фотоэлектрик ва оптик хоссаларини ўрганиш;

кремний кристалл панжарасида Si_2MnO , Si_2MnS , Si_2MnSe ва Si_2MnTe комплекслари ҳосил бўлишининг физик механизмларини тушунтириш.

Тадқиқот объекти сифатида кристаллографик йўналиши [111] бўлган монокристалл кремнийда бор ёки фосфор киришма атомларининг концентрацияси (N_B , $N_P=10^{13}\div 10^{16}$ см⁻³) бўлган КДБ ва КЭФ пластиналари танлаб олинган. Легирлаш учун киришма атомлар сифатида – кимёвий ўта тоза олтингугурт, селен, теллур ва марганец элементлари танланган.

Тадқиқот предмети олтингугурт, селен, теллур ва марганец атомлари билан легирланган кремнийли тузилмаларнинг электрофизик, фотоэлектрик ва оптик хусусиятлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишни бажаришда микрондли таҳлил, сканерловчи электрон микроскоп, ИҚ – микроскоп, ИҚ – спектрометр, спектрофотометр, рентген фазали таҳлил каби замонавий усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Mn ва VI гуруҳ атомларининг монокристалл кремнийдаги комплексларини ҳосил қилишнинг оптимал диффузион ва технологик шароитлари тажрибалар натижаси асосида аниқланган. Энг самарали ҳарорат қийматлари кислород ва марганец атомлари учун – $T=1300\text{ }^{\circ}\text{C}$, олтингугурт ва марганец учун – $T=1100\text{ }^{\circ}\text{C}$, селен ва марганец учун – $T=820\text{ }^{\circ}\text{C}$, теллур ва марганец учун – $T=650\text{ }^{\circ}\text{C}$ эканлиги аниқланган;

кремний панжарасида марганец ва VI гуруҳ атомларини ўз ичига олган, Si_2MnO , Si_2MnS , Si_2MnSe ва Si_2MnTe кўринишидаги янги комплексларни ҳосил қилиш имконияти кўрсатиб берилган;

илк марта Si_2MnSe комплекслари ҳосил қилинган монокристалл кремний асосида яратилган қуёш элементларида салт юриш кучланиши $U_{\text{с}ю}\sim 12\%$ ва қисқа туташув токи $J_{\text{к}т}\sim 22\%$ га ошиши аниқланган;

кремний кристалл панжарасида Si_2MnO , Si_2MnS , Si_2MnSe ва Si_2MnTe комплекслари ҳосил бўлишининг физикавий механизмлари яратилган. Mn ва VI гуруҳ атомлари учун Гиббс энергия коэффициенти $\beta=(2\div 3)\cdot 10^{-3}\text{ эВ}/^{\circ}\text{C}$ га тенглиги аниқланган;

илк марта экспериментал аниқланган комплекслар концентрацияси асосида кремний панжарасида Mn ва VI гуруҳ атомлари орасидаги боғланиш энергиялари ҳисобланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Mn атомлари ва VI гуруҳ элементларининг монокристалл кремнийдаги комплексларини ҳосил қилиш учун легирлашнинг оптимал диффузион ва технологик шароитлари тажрибалар асосида аниқланган;

Кислород ва марганец атомлари учун $T=1300\text{ }^{\circ}\text{C}$ да, олтингугурт ва марганец $T=1100\text{ }^{\circ}\text{C}$ да, селен ва марганец $T=820\text{ }^{\circ}\text{C}$ да, теллур ва марганец $T=650\text{ }^{\circ}\text{C}$ да максимал концентрацияда ҳосил бўлиши кўрсатиб берилган.

Олинган натижаларининг ишончлилиги замонавий ўлчаш воситалари ва тадқиқот усуллари қўлланилганлиги, экспериментал ва ҳисобланган маълумотларни бошқа муаллифларнинг натижалари билан мувофиқлиги, шунингдек, олинган натижаларни конденсирланган ҳолат физикаси ва технологиясининг замонавий физик моделлари асосида ижодий тавсифланганлиги ҳамда тадқиқот объектининг тўғри танланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, ҳажмий нано ва микротузилмали яримўтказгич материалларни олишда янгича ёндошувни қўллаган ҳолда кремний материалида бинар комплексларини шакллантиришнинг физик асосларини сезиларли тарзда кенгайтирилганлиги, шунингдек, кремний панжарасида Mn ва VI гуруҳ атомлари орасидаги

комплекслар ҳосил бўлишининг физик механизмлари очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти марганец ва VI гуруҳ атомлари комплексларини ҳосил қилишнинг оптимал диффузия технологиясини арзон ва юқори самарадорликка эга марганец ва VI гуруҳ атомлари билан легирланган кремнийли қуёш элементларини ишлаб чиқаришда қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кремний панжарасидаги марганец ва VI гуруҳ киришма атомларининг ўзаро таъсирлашувини тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

«FOTON» акциядорлик жамияти томонидан кремний асосида юқори сезувчанликка эга фотодиодлар ишлаб чиқаришда эрозиясиз технология ва марганец атомлари ва VI гуруҳ элементлари атомлари билан легирланган кремний материалларини олиш учун ишлаб чиқилган янги икки босқичли диффузион технология жорий этилган ва ишлаб чиқаришда қўлланилган. («UZELTEXSANOAT» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 29 декабрдаги 04-3/2817-сон маълумотномаси). Тадқиқот ишининг илмий натижаларини қўллаш «FOTON» АЖ томонидан кремний асосида ишлаб чиқарилган диодлар ва яримўтказгич қурилмаларнинг сезгирлигини ошириш имконини берган. Натижада илмий натижаларни эффективлиги 17÷19 % гача бўлган ФВП ва ФВМ (фотоволтаик панеллар ва модуллар) ишлаб чиқариш учун қўллаш тавсия этилган;

Кремний панжарасидаги марганец атомлари ва VI гуруҳ элементлари асосида Si_2MnB^{VI} турдаги комплексларни олиш учун ишлаб чиқилган технология «FOTON» акциядорлик жамиятида қўлланилган («UZELTEXSANOAT» акциядорлик жамиятининг 2021 йил 29 декабрдаги 04-3/2817-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларни қўллаш асосида кремний асосидаги қуёш элементларининг фотосезгирлик спектрал соҳасини кенгайтиришга эришилган. Натижада ишлаб чиқилган технология эмиттер сирт қаршилигини 12÷14 % га камайтириш ва самарадорлиги юқори (19÷20 %) қуёш батареяларини ишлаб чиқариш учун қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишида олинган илмий натижалар 8 та халқаро, 6 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда маъруза ва муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий ишлар, шулардан 5 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда, шу жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий (Scopus маълумотлар базасида индексланган) журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, 92 та адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 28 та расм, 21 та жадвални ўз ичига олган ҳолда, 106 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси очиб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети ва ўлчаш усуллари келтирилган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси, нашр этилган илмий ишлар, шунингдек диссертациянинг хажми ва тузилиши ҳақида қисқача маълумотлар келтирилган.


«Марганец атомларининг кремний панжарасидаги VI гуруҳ элемент атомлари билан ўзаро таъсирини ўрганишнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари» деб номланган биринчи бобда, нанокластерларга эга яримўтказгич материалларни олишнинг ҳозирги ҳолати ва сўнги фан ютуқлари таҳлил қилинган. Мавжуд назарий ва тажриба маълумотларни таҳлил қилиш асосида диссертация ишининг вазифалари шакллантирилган.

«Киришма атомларнинг комплексларига эга кремний олиш технологияси ва экспериментал усуллар» деб номланган иккинчи бобда, кремний панжарасидаги марганец атомлари ва VI гуруҳ элементлари комплексларини олишнинг диффузион технологиясининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган.


Киришма атомларининг бир-бири билан ёки кристалл панжарадаги нуқсонлар билан ўзаро таъсири, айниқса, яримўтказгичларда киришма атомларидан ташкил топган комплексларини ҳосил қилиш учун оптимал термодинамик шароитларни аниқлаш, уларнинг концентрацияси ва параметрларини назорат қилиш муҳим илмий тадқиқот ҳисобланади. Наноўлчамдаги тузилмаларни шакллантиришда мавжуд бўлган анча мураккаб усулларида фарқли, кремний кристалл панжарасида киришма атомларнинг наноконкомплексларини яратиш бир қатор афзалликларга эга, яъни кристаллнинг бутун ҳажмида наноўлчамдаги тузилмаларни шакллантириш имконияти мавжуд. Шу муносабат билан кремнийга киришма атомларни легирлашнинг янги усулини таклиф қилинди, бу усул “паст ҳароратли ва босқичма-босқич” деб номланди.

Кремнийни S, Se, Te киришма атомлар билан легирлашда киришмаларнинг ҳажмда ва сиртдаги концентрациясини ошириш учун янгидан яратилган “паст ҳароратли босқичма-босқич” технология кўлланилган (1-расм).

Ушбу яратилган технологиядан фойдаланилганда кремний сиртида деярли эрозия бўлмаслиги аниқланди (2-расм).



1-расм. Паст ҳароратли босқичма-босқич диффузион легирлашда ҳарорат ва вақтнинг технологик режимлари.



2-расм. Ишлаб чиқилган янги технология бўйича VI гуруҳ элементлари билан легирланган Si намуналар юзаси (олд ва орқа томонлари).

Диффузия усули билан олинган нанотузилмаларнинг оптик хусусиятларини ўрганиш учун спектрофотометрик усулни қўллаш имкониятлари баҳоланган.

«Кремнийдаги марганец атомларининг VI гуруҳ атомлари билан ўзаро таъсири» деб номланган учинчи бобда, марганец атомларининг кремний панжарасидаги VI гуруҳ атомлари билан ўзаро таъсири, Si_2MnO , Si_2MnS , Si_2MnSe , Si_2MnTe комплекслар ҳосил бўлишини ўрганиш натижалари келтирилган ва оптимал технологик шароитлар аниқланган.

1. Бошланғич материал сифатида, Чохралский усулида (I гуруҳ) ўстирилган ва тигелсиз зонали эритиш усули (II гуруҳ) билан олинган $\rho = 5 \text{ Ом}\cdot\text{см}$ (КДБ-5 маркали) солиштирма қаршиликли монокристал p -тур кремний ишлатилган. Бу намуналарда кислород концентрацияси мос равишда $N_{\text{O}_2} = (5\div 6) \cdot 10^{17} \text{ см}^{-3}$ ва $N_{\text{O}_2} \sim 10^{16} \text{ см}^{-3}$ бўлган. Марганец киришма атомларининг диффузияси кварц ампулаларида газ фазасида амалга оширилган. Диффузия $T = 1100\div 1300 \text{ }^\circ\text{C}$ ҳарорат оралиғида $\Delta T = 25 \text{ }^\circ\text{C}$ ошириш билан, $t = 1$ соат давомида олиб борилган.

Диффузия ҳарорати $T = 1225\div 1300 \text{ }^\circ\text{C}$ оралиғида ортиши билан электр ўтказувчанликнинг тури тесқари бўлиши (I гуруҳ), яъни намуналар бошланғич (p -турдаги) ўтказувчанликни олиши ва уларнинг қаршилигини камайиши аниқланган. $T = 1300 \text{ }^\circ\text{C}$ да намуналар дастлабки намуналар билан бир хил электрофизик параметрларга, яъни, p -турдаги ва қаршилиги $\rho = 5\div 7 \text{ Ом}\cdot\text{см}$ га тенг бўлди (1-жадвал).

Бу маълумотлар, диффузия ҳарорати $T = 1175\div 1300 \text{ }^\circ\text{C}$ оралиғида бўлганда электрфаол марганец атомларининг концентрациясини камайиши ва $T = 1300 \text{ }^\circ\text{C}$ ҳароратда уларнинг сони материалдаги бошланғич бор атомлари концентрациясидан сезиларли даражада кам бўлиб қолиши аниқланди.

Марганец атомлари концентрациясининг бундай ўзгариши кислород ва марганец атомлари ўртасида ион-ковалент боғланиш табиатга эга бўлган электронейтрал комплексларнинг шаклланиши билан боғлиқ деб тахмин қилинди.

Кремнийда Si_2MnO комплексларини ҳосил қилиш учун диффузиянинг термодинамик шароитлари тажриба натижалари асосида аниқланди, бунда энг самарали комплекс ҳосил бўлиш ҳарорати $T=1300\text{ }^\circ\text{C}$ га тенг бўлди. Олинган тажриба натижаларидан фойдаланиб, MnO комплексларнинг концентрацияси ҳисобланди ва у $N_{\text{MnO}} \sim 4 \cdot 10^{16}\text{ см}^{-3}$ га тенг бўлди.

1-жадвал.

$T_{\text{diff}}=1300\text{ }^\circ\text{C}$ ҳароратда $t=1$ соат давомида марганец атомлари билан легирланган намуналарнинг электрофизик параметрлари

Намуналар	ЭЎ тури	Солиштирама қаршилиқ, ρ , Ом·см	Ток ташувчини ҳаракатчанлиги, μ , $\text{см}^2/\text{В}\cdot\text{с}$	Ток ташувчини концентрацияси n, p , см^{-3}
Si	p	5	275	$4,5 \cdot 10^{15}$
Si<B, Mn>	n	$(1,2 \div 1,5) \cdot 10^3$	1100	$(3,7 \div 4,7) \cdot 10^{12}$
Si<B,O>	p	5,9	221	$4,8 \cdot 10^{15}$
Si<B, O, Mn>	p	$5 \div 7$	$350 \div 370$	$(2,5 \div 3,4) \cdot 10^{15}$

Такидлаш керакки, II гуруҳ намуналари тигелсиз зонали эритиш усули билан олинган кремнийга $T=1200 \div 1300\text{ }^\circ\text{C}$ диффузия ҳарорати оралиғида киритилганда намуналар n -турга эга бўлиб, диффузия ҳароратининг ошиши билан қаршилиги бироз ортди.

2. Марганец ва олтингугурт киришма атомларининг диффузияси $T_{\text{diff}} = 1100\text{ }^\circ\text{C}$ да $t = 40$ мин давомида амалга оширилиб, Si<B, Mn>, Si<B,S> Si<B, S, Mn> намуналар олинди (2-расм). Марганец ва олтингугурт атомларининг $T=1100\text{ }^\circ\text{C}$ ҳароратдаги диффузияси натижасида қаршилиги $\rho=(4 \div 7)$ Ом·см бўлган p -турдаги материал олинди, яъни намуналар деярли ўзларининг дастлабки электрофизик параметрларига қайтди. Натижада, киритилган олтингугурт ва марганец атомлари электр фаоллигини йўқотди.

2-жадвал.

$T_{\text{diff}} = 1100\text{ }^\circ\text{C}$ ҳароратда $t=0,5$ соат давомида марганец ва олтингугурт атомлари билан легирланган намуналарнинг электрофизик параметрлари

Намуналар	ЭЎ, тури	Солиштирама қаршилиқ, ρ , Ом·см	Ток ташувчиларни ҳаракатчанлиги, μ , $\text{см}^2/\text{В}\cdot\text{с}$	Ток ташувчиларни концентрацияси n, p , см^{-3}
Si	p	5	275	$4,5 \cdot 10^{15}$
Si<B, Mn>	n	$4 \cdot 10^4$	1120	$1,4 \cdot 10^{11}$
Si<B,S>	n	5,75	810	$1,3 \cdot 10^{15}$
Si<B, S, Mn>	p	$4 \div 7$	$227 \div 359$	$(3,9 \div 4,4) \cdot 10^{15}$

Шуларга асосланиб, марганец атомларини кремнийга диффузиясида олтингугурт ва марганец атомлари ўртасида "кимёвий" ўзаро таъсир содир бўлади деб фараз қилиш мумкин. Бунда S^{++}Mn^- электронейтрал молекула ҳосил бўлиши учун $T=1100\text{ }^\circ\text{C}$ оптимал ҳарорат эканлиги аниқланди. Юқори

хароратда термик ишлов беришда S ва Mn атомлари орасидаги боғланишлар бузилди ва улар оддий донор киришма атомлар сифатида намоён бўлиши аниқланди.

Si_2MnS турдаги комплексларни ҳосил қилиш учун оптимал ҳарорат $T=1100$ °C бўлиши кераклиги аниқланди. Олинган тажриба натижаларидан фойдаланиб, MnS турдаги комплексларнинг концентрацияси ҳисобланди ва у $N_{\text{MnS}} \sim 4 \cdot 10^{15}$ см⁻³ ни ташкил этди.

3. Бошланғич материал сифатида $\rho=0.5$ Ом·см ($N_{\text{B}}=4 \cdot 10^{16}$ см⁻³) бўлган монокристалл *p*-турдаги кремний танланди. Марганец атомларининг диффузияси $T=1160$ °C да $t=30$ минут давомида кварц ампулаларида «паст ҳароратли босқичма-босқич» диффузия усулида амалга оширилди. Кейин Se атомларини диффузияси $T=1200$ °C да $t=30$ дақиқа давомида амалга оширилди. Натижада *p-n* кўринишдаги тузилмалар, яъни фотоэлементлар олинди. MnSe молекуласидаги нисбатан юқори боғланиш энергияси ва марганецнинг юқори диффузия коэффицентини ҳисобга олган ҳолда, кўшимча термик ишлов бериш (ҚТИБ) ҳарорати $T = 820$ °C да танланди. Кўшимча термик ишлов беришдан сўнг, фотоэлементининг (ФЭ) салт юриш кучланиши ($U_{\text{сью}}$) ва қисқа туташув токи зичлиги ($J_{\text{қт}}$) ўлчанди. Si<B, Mn, Se> фотоэлементларида $J_{\text{қт}}$ қиймати Si<B, Se> ФЭ га нисбатан 22% га ошди, $U_{\text{сью}}$ қиймати эса 427 мВ дан 480 мВ га, яъни 12 % га ортди (3-жадвал). Термик ишлов беришдан сўнг ФЭ ларни параметрларининг Si<B,Se> ошиши селен атомларини кремнийдаги рекомбинацион киришмаларни геттерлаш хусусияти билан тушунтирилди.

3-жадвал.

Кўёш элементларининг $T=820$ °C ҳароратда кўшимча термик ишлов беришдан кейинги электрофизик параметрлари

Намуналар	$J_{\text{қт}}, \text{mA/cm}^2$	$U_{\text{сью}}, \text{mV}$	$P_{\text{тик}}, \text{mW/cm}^2$
Si<B, Se>	18	427	7,686
Si<B, Mn, Se>	22	480	10,560
Si<B, Mn, Se> ФЭ параметрларини Si<B, Se> ФЭ га нисбатан ўзгариши	+22%	+12 %	+37.4%

Диффузия жараёнидан сўнг селен атомларининг бундай хусусиятлари деярли намоён бўлмайди, чунки диффузиядан кейин тез совутиш сабабли электрофаол бўлишга улгурмайди. Узоқ муддатли кўшимча термик ишлов бериш комплекслар ҳосил бўлиш жараёнини фаоллаштиради ва бу назоратсиз киришмалар ва нуқтали нуқсонларнинг геттерланишига олиб келди.


Демак, Si_2MnSe турдаги комплексларни ҳосил бўлишининг технологик оптимал шароитлари аниқланди - селен ва марганец киришма атомларининг диффузия ҳарорати $T=1160$ °C, кўшимча термик ишлов бериш (комплекс ҳосил бўлиш) ҳарорати $T=820$ °C ни ташкил этди. Диффузия ва кўшимча термик ишлов беришдан сўнг ФЭ параметрларини $U_{\text{сью}}$ - 12% га, $J_{\text{қт}}$ - 22% га, $P_{\text{тик}}$ - 37,4% га ошгани аниқланди.

4. Бошланғич материал сифатида КДБ-0,5 танланди. Теллур $T=1250$ °C ва марганец $T=1100$ °C ҳароратда диффузия қилинди. Натижада *p-n* ўтиш, яъни ФЭ олинди. Кўшимча термик ишлов бериш натижасида, марганец киришма

атомлари билан легирланган ФЭ ларнинг асосий параметрлари ёмонлашиши аниқланди (3-расм). Шу билан бирга, ФЭ параметрларнинг ўзгариши қўшимча термик ишлов бериш ҳароратига боғлиқ бўлиб, бу қўшимча термик ишлов бериш жараёнида марганец атомларининг ҳолатини ўзгаришини кўрсатади.

$\text{Si}\langle\text{B,Te}\rangle$ ва $\text{Si}\langle\text{B, Te,Mn}\rangle$ ФЭ ларнинг параметрлари $T_{\text{ann}} = 450\div 900$ °C ҳарорат оралиғида қўшимча термик ишлов беришда сезиларли даражада ўзгариши аниқланди (3-расм). $\text{Si}\langle\text{B,Te,Mn}\rangle$ ФЭ параметрларининг максимал қиймати $T=650$ °C ҳароратда кузатилиши аниқланди.

Демак, $T=650$ °C ҳароратда теллур-марганец комплексларининг интенсив ҳосил бўлиши, марганец киришма атомларининг ФЭ параметрларига “зарарли” таъсирини сусайтириши мумкин экан.




3-расм. Фотоэлементларнинг U_{ox} ва J_{km} параметрларини қўшимча термик ишлов бериш ҳароратига боғлиқлиги.


Si_2MnTe турдаги комплексларни ҳосил қилиш учун оптимал диффузия ҳарорати $T=1160$ °C ва термик ишлов бериш ҳарорати $T=650$ °C га тенг эканлиги аниқланди.

“Кремнийдаги VI гуруҳ атомлари билан марганец атомлари комплексларининг оптик хоссалари” деб номланган диссертациянинг тўртинчи бобида киришма атомларни турли комплексларга эга кремнийнинг оптик хоссаларини илмий тадқиқот натижалари келтирилган. Марганец атомларнинг VI гуруҳ атомлари билан комплекслар ҳосил қилишининг физик механизмлари очиб берилган. Гиббс энергиялари ва бу комплексларнинг боғланиш энергиялари ҳисоблаб чиқилган.

1. Селен ва марганец атомлари билан легирланган кремний асосидаги ФЭ ларда, $h\nu=1,1\div 2,8$ эВ ($\lambda=1,1\div 0,44$ мкм) спектр соҳасида, назорат ФЭ га нисбатан J_{km} қийматининг сезиларли ўсиши кузатилди ва унинг қиймати $h\nu = 1,3\div 2,5$ эВ спектр соҳасида деярли ўзгармасдан қолиши аниқланди (4-расм).



4-расм. Si <Mn, Se> ва Si<Se> ФЭ ларни $J_{кт}$ қийматининг спектрал боғлиқлиги.



5-расм. Si <B, S>, Si, Si <B, Mn>, Si <B, Mn, S> намуналарни фотоўтказувчанлигининг спектрал боғлиқлиги (80 K да).

Ушбу физик ҳолат сирт юзаси рекомбинациясининг камайиши билан изоҳланди. Сирт рекомбинациясининг сезиларли даражада камайиши диффузия жараёнида вужудга келадиган мусбат зарядланган марганец атомларининг концентрация градиентини пайдо бўлиши туфайли кузатилиши, бу эса ФЭ нинг сирт юзасидан (n^+ қатлам) ковакларни ҳаракат оқимиға тескари электр майдонининг пайдо бўлишиға олиб келиши асосида тушунтирилди.

Натижалар Mn ва Se атомлари билан легирлаш кремний ФЭ ларининг спектрал сезгирлигини кўринадиган ёруғликдаги самарадорлигини оширишини кўрсатди (4-расм). Марганец ва селен атомлари билан легирлаш ФЭ ларни $J_{кт}$ нинг спектрал сезгирлигини яхшилашга имкон бериши аниқланди.

2. Параметрлари 2-жадвалда келтирилган намуналар фотоўтказувчанлигининг спектрал сезгирлиги суяқ азот ҳароратида (80K) ўлчанди (5-расм). Расмдан (1 ва 3 эгри чизиклар) кўриниб турибдики, кремнийдаги S ва Mn киришма атомларининг донор энергетик сатҳлари билан боғлиқ фотосезгирлик Si<S> ва Si<Mn> намуналарида аниқ намоён бўлди. Бироқ, Si <B, S, Mn> намуналарида (4 эгри чизик) S ва Mn киришма атомларининг энергетик сатҳларига мос фотоўтказувчанлик аниқланмади. Бу кремний панжарасида электронейтрал $S^{++}Mn^{-}$ молекулаларининг ҳосил бўлиши билан тушунтирилди.

Шундай қилиб, кремний панжарасида янги бинар элементар ячейкаларининг шаклланишиға олиб келадиган, Mn ва VI гуруҳ элементларининг атомлари ўртасида ион-ковалент боғланишға эга бўлган, электронейтрал молекулалар ҳосил бўлиши тажриба натижаларининг таҳлили асосида аниқланди.

3. Марганец атомларининг диффузиясидан сўнг кремнийдаги (намуна параметрлари 1-жадвалда келтирилган) оптик фаол кислород атомларининг концентрацияси ФСМ-1202 Фуре-спектрометри билан (9 мкм спектрал соҳада) ўлчанди (6-расм).

Кислород атомларининг концентрацияси қуйидагича ҳисобланган:

1) Mn билан легирланган намуналар учун - Si<Mn>

$$N_o^{OPT} = 3.3 \cdot 10^{17} \cdot \frac{1}{d} \cdot \ln \frac{I}{I_0} = 3 \cdot 10^{17} \text{ см}^{-3}$$

2) Назорат намуналари учун - Si <назорат>


$$N_o^{OPT} = 3.3 \cdot 10^{17} \cdot \frac{1}{d} \cdot \ln \frac{I}{I_0} = 3.15 \cdot 10^{17} \text{ см}^{-3}$$

3) Si <Mn> ва назорат намуналарида N_o^{OPT} нинг нисбий ўзгариши:


$$(N_o^{OPT(\text{назорат})} - N_o^{OPT(\text{Mn})}) / N_o^{OPT(\text{назорат})} = (3.15 \cdot 10^{17} - 3 \cdot 10^{17}) / 3.15 \cdot 10^{17} = 0.05.$$

Кремнийни Mn киришма атомлари билан легирлаш оптик фаол кислород атомларининг концентрациясини 5% га, яъни, $N_o^{OPT} = 1,5 \cdot 10^{16} \text{ см}^{-3}$ гача камайишига олиб келди. Кислород концентрациясининг ўзгариши Mn атомларининг шу диффузия ҳароратидаги эрувчанлиги $N \sim (1,5 \div 2) \cdot 10^{16} \text{ см}^{-3}$ га мос тушди.

Ушбу натижаларни Mn атомларининг оптик фаол кислород атомлари билан ўзаро таъсири ҳисобига деб изоҳлаш мумкин, аммо, кремнийда Mn атомларининг эрувчанлиги кичик бўлганлиги туфайли таъсири унчалик сезилмайди.




6-расм. Намуналар ёруғлик ўтказувчанлигининг нурланишнинг тўлқин узунлигига боғлиқлиги. 1 - Si<Mn>, 2 - назорат намунаси.




7-расм. $T=450 \div 500 \text{ }^\circ\text{C}$ ҳароратда термик ишлов бериш вақтининг солиштирма қаршиликка таъсири, 1 - назорат намуналари, 2 - Mn билан легирланган намуналар.

4. Адабиётлардан маълумки, кремнийга $T=450 \div 500 \text{ }^\circ\text{C}$ ҳарорат оралиғида термик ишлов беришда термодонорларнинг максимал ҳосил бўлиши кузатилади. Шунинг учун бу ҳароратда ($t=1 \div 10$ соат давомида) термик ишлов бериш, $\rho=5 \text{ Ом} \cdot \text{см}$ бўлган p -турдаги намуналар ва $T=1300 \text{ }^\circ\text{C}$ да Mn киритилган намуналарнинг электрофизик параметрларига таъсири ўрганилди. Mn атомлари билан легирланган кремнийнинг электрофизик параметрлари - жадвалда кўрсатилган. Назорат намуналари сифатида Mn билан легирланмаган кремний материали ишлатилди. Назорат намуналарига, $t > 5$ соатдан ортиқ вақт давомида қўшимча термик ишлов беришда қаршиликнинг ошиши кузатилди, бу термодонорларнинг пайдо бўлишини кўрсатади. Шу билан бирга, марганец билан легирланган намуналарнинг электрофизик параметрлари деярли ўзгаришсиз қолди (7-расм).



8-расм. Si(O-Mn) комплексларининг концентрациясини ҳароратга боғлиқлиги.



9-расм. Комплекс ҳосил бўлиш ҳароратининг Гиббс энергиясига боғлиқлиги.

5. Si(O-Mn) комплексларининг концентрацияси, $T=1175\div 1300$ °C ҳарорат оралиғида Mn атомларининг эрувчанлиги билан диффузиядан сўнг олинган намуналардаги электрфаол Mn атомларининг концентрацияси ўртасидаги фарқдан аниқланди - $N=N_{Mn}^0-N_{Mn}^1$, бу ерда: N_{Mn}^0 - Mn атомларининг диффузия ҳароратидаги эрувчанлиги, N_{Mn}^1 - шу ҳароратдаги электрфаол Mn атомларининг концентрацияси. Компенсацияланган намуналар учун $N_{Mn}^1=p_0-p_1$, компенсацияланиш асосида ўтказувчанлик тури ўзгарган намуналар учун $N_{Mn}^1=p_0+n+f_1(E_1)+f_2(E_2)$, бунда: p_0 - дастлабки материалдаги коваклар концентрацияси, p_1 - компенсацияланган намунадаги коваклар концентрацияси, $f_1(E_1)$ - Mn нинг биринчи энергетик сатҳини тўлдириш эҳтимоллиги, $f_2(E_2)$ - Mn нинг иккинчи энергетик сатҳини тўлдириш эҳтимоллиги. Холл эффекти усули ва кремнийдаги Mn нинг энергетик сатҳлари ($E_1=E_C-0,27$ эВ, $E_2=E_C-0,5$ эВ) қийматларидан фойдаланган ҳолда нейтраллик тенгламасини ечиш йўли билан p_0 , p_1 , n , шунингдек $f_1(E_1)$, $f_2(E_2)$ нинг қийматлари аниқланди.

8-расмдан кўриниб турибдики, диффузия ҳарорати ортиши билан комплексларнинг концентрацияси ортди ва $T=1300$ °C да $N\sim(3\div 4)10^{16}$ см⁻³ га тенг бўлди. Бу концентрация Mn атомларининг шу ҳароратдаги эрувчанлигига яқин.

6. Маълумотларни таҳлил қилиб, комплексларнинг энг самарали ҳосил бўлиш ҳарорати ($T_{эфф}$, °C) билан мос келадиган кимёвий бирикмаларнинг термодинамик Гиббс энергияси (G_{298}^0) ўртасида боғлиқлик қонунияти мавжудлиги аниқланди (9-расм).

$$\frac{G_{298}^0 < MnO >}{T_{эффMnO}} = \frac{G_{298}^0 < MnS >}{T_{эффMnS}} = \frac{G_{298}^0 < MnSe >}{T_{эффMnSe}} = \frac{G_{298}^0 < MnTe >}{T_{эффMnTe}} = \beta .$$

Барча киришма атомлари комплекслар Гиббс энергиясининг, комплекслар энг самарали ҳосил бўлиш ҳароратига нисбати деярли бир хил


қийматга эга ($\beta = -(2 \div 3) \cdot 10^{-3}$ эВ/°С) бўлиши ва бу комплексларни вужудга келишидаги ҳосил бўлиш коэффициентлари тавсифлари аниқланди.

Комплексларнинг Гиббс энергияси билан самарали комплекс ҳосил бўлиш ҳарорати ўртасидаги боғлиқликнинг мавжудлиги Mn атомлари билан O, S, Se, Te комплексларининг кимёвий табиати мослигидан далолат беради. Бошқача қилиб айтганда, кремнийда VI гуруҳ элементларининг Mn атомлари билан ўзаро таъсири жараёнида бу элементларнинг алмашилиш марказлари билан Mn атомларининг алмашилиш маркази ўртасида электронейтрал кимёвий боғланган комплекслар ҳосил бўлиши кузатилди.


O, S, Se, Te элементлари билан олдиндан легирланган кремний намуналарни Mn атомлари билан легирлагандан сўнг, намуналарнинг электрофизик параметрлари – солиштира қаршилик, ҳаракатчанлик ва заряд ташувчиларнинг концентрацияси ўзгариши аниқланди. Mn атомлари билан легирлагандан кейин заряд ташувчилар концентрациясининг ўзгариши кремний панжарасидаги Mn ва VI гуруҳ элементларининг ўзаро таъсири натижасида ҳосил бўлади деб изоҳлаш мумкин.

7. Кремний панжарасида марганец ва VI гуруҳ элемент атомлари комплекслари тузилишининг физик модели берилди (10-расм).

Оптимал термодинамик шароитда Mn ва VI гуруҳ элементларининг атомларини ўзаро таъсири туфайли кремний панжарасида электронейтрал комплекслар ҳосил бўлиши кузатилди. Электр нейтрал комплексларнинг ҳосил бўлиши натижасида $\text{Si}_2\text{Mn}^-\text{O}^{++}$, $\text{Si}_2\text{Mn}^-\text{S}^{++}$, $\text{Si}_2\text{Mn}^-\text{Se}^{++}$ ва $\text{Si}_2\text{Mn}^-\text{Te}^{++}$ турдаги янги тетраэдрик элементар ячейкалар шаклланди. Бу элементар ячейкалар кремний панжарасининг тетраэдрик боғланишини бузмасдан панжара тугунларида жойлашади ва шу билан бирга тизимнинг янада қулай термодинамик ҳолатини таъминлайди.



10-расм. Кремний панжарасидаги $\text{Si}_2\text{Mn}^-\text{O}^{++}$, $\text{Si}_2\text{Mn}^-\text{S}^{++}$, $\text{Si}_2\text{Mn}^-\text{Se}^{++}$ ва $\text{Si}_2\text{Mn}^-\text{Te}^{++}$ комплексларининг тузилиши.



11-расм. Mn атомлари билан VI гуруҳ элементлари комплексларининг кремний панжараси тугунларида жойлашиши.

Mn атомлари ва VI гуруҳ элементларининг атомларидан ташкил топган комплексларнинг кремний панжараси тугунларида жойлашиши 11-расмда кўрсатилган. Ҳисобланган маълумотлар таҳлилига асосланиб, молекуляр комплексдаги атомлар орасидаги масофа қиймати ўзгаради деб тахмин қилиш

мумкин ва буни комплекс атрофида жойлашган кремний атомларининг таъсири билан изоҳлаш мумкин.

8. Физикавий моделни яратишда Mn ва VI гуруҳ элементларининг атомлари ўзаро ион боғланишда деб ҳисоблаб, уларнинг боғланиш энергиялари аниқланди.

Тажрибаларда аниқланган комплексларнинг концентрациясига (4-жадвал) асосланиб, VI гуруҳ элементларининг атомлари билан Mn атомларини боғланиш энергиялари (5-жадвал) Кулон ўзаро таъсири (1) ва Аррениус формуласи (2) ёрдамида ҳисобланди:

$$E_{MnVI} = \frac{4kq^2}{\epsilon r_{MnVI}} - \frac{4kq^2}{\epsilon r_{\infty}}, \quad (1)$$

$$E_a = kT \ln \left(\frac{N \cdot C_{MnVI}}{4C_{Mn} C_{VI}} \right). \quad (2)$$

4-жадвал.

Кремнийда Mn ва VI гуруҳ атомларининг ва уларнинг комплексларининг концентрациялари.

$T, ^\circ\text{C}$	C_{Mn}, cm^{-3}	C_O, cm^{-3}	C_{MnO}, cm^{-3}	N, cm^{-3}
1300	$2 \cdot 10^{16}$	$5 \cdot 10^{17}$	$4 \cdot 10^{16}$	$5 \cdot 10^{22}$
$T, ^\circ\text{C}$	C_{Mn}, cm^{-3}	C_S, cm^{-3}	C_{MnS}, cm^{-3}	N, cm^{-3}
1100	$1,5 \cdot 10^{16}$	$5 \cdot 10^{16}$	$4 \cdot 10^{15}$	$3 \cdot 10^{22}$
$T, ^\circ\text{C}$	C_{Mn}, cm^{-3}	C_{Se}, cm^{-3}	C_{MnSe}, cm^{-3}	N, cm^{-3}
1250	$2 \cdot 10^{16}$	$1 \cdot 10^{17}$	$1 \cdot 10^{15}$	$2,5 \cdot 10^{22}$
$T, ^\circ\text{C}$	C_{Mn}, cm^{-3}	C_{Te}, cm^{-3}	C_{MnTe}, cm^{-3}	N, cm^{-3}
1250	$2 \cdot 10^{16}$	$5 \cdot 10^{17}$	$1 \cdot 10^{15}$	$2,5 \cdot 10^{22}$

Бунда: C_{Mn} – Mn атомларининг берилган диффузия ҳароратидаги эрувчанлиги, C_{VI} – VI гуруҳ элементларининг берилган диффузия ҳароратидаги эрувчанлиги, C_{MnVI} – Mn билан VI гуруҳ элементларининг атомлари ҳосил қилган комплексларини концентрацияси.

Шуни таъкидлаш керакки, VI гуруҳ элементларининг атомларини миқдори ошиб бориши билан комплекслардаги боғланиш энергиясининг миқдори камайиб бориш қонуниятини аниқланди (5-жадвал).

Кулон ўзаро таъсири асосида ҳисобланган комплексларни (Mn билан O, S, Se, Te) боғланиш энергиясини камайиб бориш қонуниятини (5-жадвал) Гиббс энергиясининг ўзгариш қонуниятига (9-расм) мос келди. Шунингдек, тажрибада аниқланган киришма атомларининг ва комплексларнинг концентрациясини қийматидан фойдаланиб ҳисобланган комплексларнинг боғланиш энергиялари қийматининг камайиб бориши ҳам шу қонуниятга мос келди (5-жадвал).

Кремний панжарасидаги Mn атомлари ва VI гуруҳ элементларининг атомлари орасидаги боғланиш энергиялари.

Бинар комплекслар	Кулон ўзаро таъсири асосида ҳисобланган боғланиш энергия E , эВ	Аррениус тенгламаси асосида ҳисобланган боғланиш энергия E , эВ
Si_2MnO	2,17	1,46
Si_2MnS	1,5	1,24
Si_2MnSe	1,39	1,09
Si_2MnTe	1,24	0,87

Тажриба маълумотлари ва назарий ҳисоблар таҳлилидан марганецнинг VI гуруҳ элементлари атомлари билан молекуляр комплекслар ҳосил бўлишининг физик модели асосли эканлиги тасдиқланди.

Марганец атомлари ва VI гуруҳ элементлари билан легирлаган кремнийнинг электрофизик параметрларида деярли ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмайди, бу кремний асосида тайёрланган электрон қурилмаларнинг ишчи параметрларининг барқарорлигини оширишга имкон беради.

Хулоса ўрнида, диссертация ишимни бажаришда кўрсатган ҳар таърафлама ёрдами учун устозимиз академик М.К.Бахадирхановга, илмий раҳбарим профессор Х.М.Илиевга ва ТДТУ «Рақамли электроника ва микроэлектроника» кафедрасининг барча жамоасига раҳмат айтаман.

Х У Л О С А

Фалсафа доктори (PhD) диссертация “Кремний панжарасидаги марганец ва VI гуруҳ киришма атомларининг ўзаро таъсирлашуви” мавзуси буйича олинган илмий натижалар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Кремнийни VI гуруҳ элементлари билан эрозиясиз легирлаш учун паст ҳароратли босқичма-босқич технология яратилди. Бу технологиядан фойдаланиб, диффузия амалга оширилганда кремний юзасида эрозия содир бўлмаслиги кўрсатилди.

2. Кремний панжарасида Si_2MnO турдаги комплексларни ҳосил қилиш учун Mn киришма атомлари учун диффузия ҳарорати аниқланди - $T=1300\text{ }^\circ\text{C}$, бу диффузия ҳароратида комплекслар жадаллик билан ҳосил бўлди. Олинган натижалардан фойдаланиб, MnO комплексларининг концентрацияси - $N_{\text{MnO}}\sim 4\cdot 10^{16}\text{ см}^{-3}$ га тенглиги аниқланди. Si_2MnS комплексларини ҳосил қилиш учун диффузия ҳарорати - $T=1100\text{ }^\circ\text{C}$ га тенг бўлиши аниқланди. Олинган натижалардан фойдаланиб, MnS комплексларининг концентрацияси - $N_{\text{MnS}}\sim 4\cdot 10^{15}\text{ см}^{-3}$ га тенглиги аниқланди.

3. Кремний панжарасида Si_2MnSe комплексларини ҳосил қилиш учун диффузия ҳарорати $T=1160\text{ }^\circ\text{C}$ ва қўшимча термик ишлов бериш ҳарорати $T=820\text{ }^\circ\text{C}$ га тенг бўлиши аниқланди. Селен ва марганец киришма атомларини кетма-кет диффузия қилиш орқали олинган фотоэлементларнинг

параметрларининг қийматларини $U_{\text{сю}} \sim 12\%$ га, $J_{\text{қт}} \sim 22\%$ га ва $P_{\text{тик}} \sim 37,4\%$ га ошиши кўрсатилди.

4. Кремний панжарасида Si_2MnTe комплексларини ҳосил қилиш учун термодинамик диффузия ҳарорати - $T=1160^\circ\text{C}$ га ва қўшимча термик ишлов бериш ҳарорати - $T=650^\circ\text{C}$ га тенг бўлиши аниқланди.

5. Mn атомларининг VI гуруҳ элементлари билан кремнийдаги комплекслари маълум термодинамик шароитларда ҳосил бўлиши аниқланди. Комплекслардаги атомлар кремний кристалл панжарасининг тугунларида жойлашган бўлиб, бу кремний панжарасида янги элементар ячейкаларини шаклланишига олиб келди.

6. Mn ва VI гуруҳ элементларининг атомлари комплекслари учун Гиббс энергия коэффициентининг қиймати $\beta=(2\div 3)\cdot 10^{-3}$ эВ/ $^\circ\text{C}$ га тенглиги аниқланди.

7. Кремний кристалл панжарасидаги Mn атомларининг VI гуруҳ атомлари билан боғланиш энергиясини қийматлари назарий ҳисоблар асосида аниқланди. Улар мос равишда: $E_a^{\text{MnO}}=2,17\div 1,46$ эВ, $E_a^{\text{MnS}}=1,5\div 1,24$ эВ, $E_a^{\text{MnSe}}=1,39\div 1,09$ эВ, $E_a^{\text{MnTe}}=1,24\div 0,87$ эВ га тенг бўлди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/27.02.2020.FM.106.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ ПО ФИЗИКО-
МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ ПРИ ФЕРГАНСКОМ
ПОЛИТЕХНИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ТЕРМЕЗСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ТУРСУНОВ МАМАСОБИР ОЧИЛДИЕВИЧ

**ВЗАИМОДЕЙСТВИЯ АТОМОВ МАРГАНЦА С ПРИМЕСЯМИ
VI ГРУППЫ В РЕШЕТКЕ КРЕМНИЯ**

01.04.07 – Физика конденсированного состояния

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам**

Фергана–2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2022.2.PhD/FM420.

Диссертация выполнена в Термезский государственный университет и Ташкентский государственный технический университет.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ferpi.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Илиев Халмурат Миджитович доктор физико-математических наук, профессор.
Официальные оппоненты:	Расулов Рустам Явкахович доктор физико-математических наук, профессор. Хажиев Мардонбек Улутбекович кандидат физико-математических наук, с.н.с
Ведущая организация:	Самаркандский государственный университет


Защита диссертации состоится «10» 09 2022 года в 16⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03.27.02.2020.FM.106.01 при Ферганском политехническом институте (Адрес: 150100, Узбекистан, г. Фергана, ул. Ферганская, дом 86. Тел.: (+99873) 241-13-03; факс: (+99873) 241-12-06; e-mail: ferpi_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в отделе внедрения информационных технологий Ферганского политехнического института (регистрационный номер 1/3), (Адрес: 150100, г. Фергана, ул. Ферганская, дом 86. Тел.: (+99873) 241-13-03).

Автореферат диссертации разослан «29» 08 2022 года.
(протокол рассылки № 64 от «21» 08 2022 г.)




Н.Х.Юлдашев
Председатель научного совета по присуждению ученой степени, доктор физико-математических наук, профессор.


Б.З.Полвов
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученой степени, доктор философии по физико-математическим наукам, доцент.


К.Э. Онаркулов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученой степени, физико-математических наук, профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность работы. В мире активно развивается направление физики полупроводников, в котором пристальное внимание уделяется получению материалов на основе кристаллического кремния с примесными атомами, с новыми свойствами, отличающимися от свойств базового материала. В настоящее время развитые страны планируют развивать производство солнечной энергии и снизить ее стоимость. Технология производства солнечной энергии несколько сложна и требует дорогостоящего сырья и оборудования. В этом аспекте важными задачами являются исследование перспективных функциональных возможностей кремния с новыми ячейками в матрице материала, а также практическое применение таких материалов в микро- и оптоэлектронике, спинтронике и других областях физики конденсированного состояния.

В мире большое значение придается созданию новых солнечных элементов и датчиков на основе технологических и термодинамических условий формирования неравновесных процессов в кремнии, легированном примесными атомами, установлению новых физических явлений и эффектов в кремниевом материале и их функциональные возможности. В связи с этим одной из важных задач является проведение целевых научных исследований, включающих следующие научные исследования: определение необходимых электрофизических параметров исходного полупроводникового материала и состава примесных атомов, выбор методов легирования, связанных с природой исходных материалов, примесные атомы, новые физические явления, эффекты и их функциональные свойства в кремниевом материале, создание новых солнечных элементов и датчиков на основе их возможностей считается актуальной задачей.

В нашей республике реализуются масштабные мероприятия по проведению исследований по созданию новых материалов, которые будут способствовать повышению эффективности и широкому использованию возобновляемых источников энергии. В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы, среди прочего, поставлены задачи «Непрерывного снабжения экономики электроэнергией и активного внедрения технологий «Зеленой экономики» во все отрасли, повышения энергоэффективности экономики на 20 процентов определяются. При реализации этих задач одной из важных задач считается разработка солнечных элементов с новыми типами бинарных комплексов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач предусмотренных в указ Президента Республики Узбекистан № ПФ-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28 января 2022 года, в постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-4779 «О дополнительных мерах по сокращению зависимости отраслей экономики от топливно-энергетической продукции путем повышения энергоэффективности экономики и задействования имеющихся ресурсов» от 10 июля 2020 года, № ПП-5063 «О мерах по

развитию возобновляемой и водородной энергетики в республике Узбекистан» от 9 апреля 2021 года, № ПП-3855 « О дополнительных мерах по повышению эффективности коммерциализации результатов научной и научно-технической деятельности» от 14 июля 2018 года, № ПП-3899 «О мерах по повышению эффективности системы интеграции научной и инновационной деятельности» от 6 августа 2018 года, № ПП-5032 «О мерах по повышению качества образования и совершенствованию научных исследований в области физики» от 19 март 2021 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере и изложенных в соответствующих законодательных актах служит для выполнения задач, поставленных в других нормативных актах, связанных с данной деятельностью.

